

# 5-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

## Режа:

1. Педагогик технологияларнинг педагогик, психологик ва хусусий методик нуқтаи назардан ўзига хос жиҳатлари.
2. Педагогик технологияларини қўлланилиши, ташкил этилиши, бошқарилиши жиҳатдан турлари ва хусусиятлари.
3. Процессуал-ҳаракатли ўқув жараёнининг амалга оширилиши.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАНИШИГА ҚАРАБ 3 ГУРУҲГА АЖРАТИЛАДИ:

1. Умумий педагогик технологиялар.
2. Хусусий педагогик технологиялар.
3. Модулли кичик универсал технологиялар

# УМУМИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- ✘ Ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади.

Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларига ўтиш шулар жумласига киради.

# ХУСУСИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- ✘ Маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва қулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. Масалан: иқтисодиёт фани учун қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиш.

# МОДУМИ КИЧИК УНИВЕРСАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- ✘ Бирор рефлексни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. Масалан:
- ✘ Дидактик ўйинлар, фикрлашга ўргатувчи технологиялар. Улар универсал характерда бўлиб, кўп вақт талаб этмайди. Масалан: дидактик ўйинли технологиялар.

# ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТДАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЙИДАГИ ГУРУҲЛАРГА АЖРАТИЛАДИ

1. Материалистик
2. Идеалистик
3. Илмий
4. Гуманистик
5. Эркин
6. Мажбурий
7. Диний

Демак, педагогик технологияларни ишлаб чиқишда маълум бир фалсафий дунёқараш ҳукмронлик қилади ва ана шу қараш ўз аксини педагогик технологияларда топади.

# ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ БУЙИЧА:

- ✘ а) биоген, яъни инсоннинг жипсланган ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; бу технология асосан жисмоний тарбия каби фанларда қўлланилади.

- ✘ б) социоген, яъни шахснинг социологик онгини ривожлантиришга қаратилган технология, булар қаторида жамиятшунослик, ҳуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларни санаб ўтиш мумкин.
- ✘ в) психоген, яъни инсонинг психологик ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; булар жумласига психология, этика, эстетика, маънавият, руҳият, диншунослик каби фанларни киритишимиз мумкин.



# ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ЖИҲАТИДАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҲЙИДАГИ

## ТУРЛАРИНИ АЖРАТИШ МУМКИН:

1. Суст бошқарилувчи (талабалар фаолияти бошқарилмайди, стихиялилик устун туради).
2. Цикли текшириш – ўз-ўзини ва ўзаро текшириш устун туради.
3. Фронтал (ялпи),
4. Йўналтирилган (индивидуал),
5. Вербал –ўқитувчи иштирокида,
6. Автоматлашган – техник воситалардан фойдаланган ҳолда.

# БОШҚАРИШ ТУРЛАРИНИНГ КОМБИНАЦИЯЛАШУВИ НАТИЖАСИДА ҚЎЙИДАГИ ДИДАКТИК ТИЗИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛАДИ:

1. Анъанавий лекцион таълим тизими (бошқариш суст, фронтал, вербал)
2. Аудивизуал техник воситалар ёрдамида таълимни ташкил этиш (бошқариш суст, фронтал, автоматлаштирилган).
3. Консультация технологияси (суст, йўналтирилган, вербал)
4. Кичик гуруҳлар технологияси (цикли, фронтал, вербал, дифференциал)

5. Компьютер таълими (циккли, йўналтирилган, вербал) – индивидуал таълим.
6. Репетитор тизими (циккли, йўналтирилган, вербал) – индивидуал таълим.
7. Дастурлаштирилган таълим (циккли, йўналтирилган, автоматлаштирилган-программалар асосида).
8. Дифференциал таълим (циккли актив бошқарилувчи, йўналтирилган, вебрал).
9. Муаммоли таълим (циккли, йўналтирилган, ўқувчи шахси актив).

# ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИГА ҚАРАБ ҚЎЙИДАГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АЖРАТИЛАДИ:

- ✘ Операцион технологиялар – фикрлаш малакасини фикрлаш рефлексини ривожлантирувчи технологиялар ҳисобланади. Улар ҳар хил фикрлаш турларини шакллантиришга мослашган бўлади.
- ✘ Эстетик – ахлоқий хислатларни шакллантиришга қаратилган технологиялар

- ✘ Бошқарувчилик хусусиятини ривожлантирувчи технологиялар.
- ✘ Эвристик – ижодий ёндашувни ривожлантирувчи технологиялар, талабалардан ижодий ёндашиб масаланинг ечимини топишни талаб этади.
- ✘ Амалий технологиялар – амалий хатти-щаракатларни шакллантирувчи технологиялар.

# ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ҚАРАБ

- ✘ **Авторитар технологиялар.** Ўқитувчи асосий субъект бошқарувчи, талаб қилувчи, етакловчи сифатида майдонга чиқади. Талаба шахси эса тобе булиб, барча талабларни бажариши керак. Бунда талабанинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари таълимни ташкил этиш жараёнида эътиборга олинмайди. У бажарувчи сифатида майдонга чиқади.

# ДИДАКТИК МАРКАЗЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯ.

- ✘ Бу технология марказида таълим жараёни туради ва таълим жараёни тарбиядан устун қўйилади. Айнан дидактик восита ёрдамида шахсни шакллантириш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқитувчи етакловчи сифатида майдонга чиқади. Икки томон ҳам (ўқитувчи ва талаба) бир хил позицияни эгаллайди. Асосий мақсад таълим олиш ва томонлар ҳамкорликда иш олиб борадилар.

# ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- ✘ Таълим тизимининг марказида талаба шахси туради.

Талабанинг ривожланишига соғлом психологик муҳитни ташкил қилиш, низо ва инқирозлардан асраш, табиий имкониятларини ривожлантириш, қобилиятини ўстиришга қаратилган



# ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯ ТАШКИЛИЙ ЙЎНАЛИШИГА ҚАРАБ 4 ТА ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ

- ✘ Инсоний технологиялар (Гуманно-личностю технологии). Бу технология ўзининг инсонийлиги билан, психотерапевтик йўналиши билан ажралиб туради. Ушбу технологиянинг мазмуни талаба шахсини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва талабани ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Талабага нисбатан ҳурмат ва меҳр билан қараш ва мажбурийликдан воз кечишдан иборатдир.

# ҲАМКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ.

- ✘ Бу технология демократия, ҳамкорлик, тенглик каби ғоялар асосида қурилган. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатлар субъект - субъект сифатида қаралади. Биргаликда таълим жараёни ташкил этилади ва биргаликда ижод этилади.

# ЭРКИН ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

- ✘ Талабага танлаш, мустақиллик эркинлиги берилади. Талаба ўзи танлаган восита ва мазмунни тўлиқ қабул қилади, ҳамда бу фаолиятни хоши билан бажаради. Ички эҳтиёж билан уйғунлик ҳосил бўлади.

## Эзотерик технология.

- ✘ Эзотерик билимлар (онгдан ташқари) қонуниятларни ўрганиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш назарда тутилади.

# ИЛМИЙ ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА: ГЕШТАЛЬТ ТЕХНОЛОГИЯ, БИХЕИВИОРИСТИК, СУГГЕСТИВ

## РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АЖРАТИШ МУМКИН

- ✘ Бихеивиористик технология – (Э. Торондайт, Д. Уотсон, В.С. Диннер ва бошқалар) бу назариянинг умумий кўриниши қуйидагича:
- ✘ Стимул-реакция-муштаҳкамлаш.
- ✘ Стимул – кўзғатувчи, реакция – фаолият, муштаҳкамлаш – баҳолаш ва рағбатлантириш. Улар ўзлаштириш механизми мана шу кўринишда вужудга келади деган фикрни олдинга ташлайди.

Бунда талабанинг муносабати ва ҳиссиётлари ҳисобга олинмайди ва талабанинг онглик масаласига кам эътибор қаратилади.

# ГЕШТАЛЬТ ТЕХНОЛОГИЯ

- ✘ (М. Ветмеймер, Г. Мюллер, В.Келер) талабанинг қабул қилишига, идрок қилиш рефлексини ўрганишга асосланган, янги мавзунни ўзлаштириш ёрқин фрагментлардан ва якуний фикрлардан ташкил топиш назарда тутилади.
- ✘ Идрок ва диққатга қаратилган технологиялардир. Талабанинг қабул қилиш хусусиятларини ва диққатнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш зарур эканлигини таъкидлайди ва шу асосда ўзлаштириш технологияларини яратади.

# РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ. В.В. ДАВИДОВ, Д. Б. ЭЛЬКОНИН ҒОЯСИ.

- ✘ Асосий мазмуни - назариянинг амалиётдан устунлиги ва мазмуний умумлаштиришлардан фойдаланиш, мантиқий боғлиқликлар ва гуруҳлаш системалаштиришдир. Умумийдан яккага қараб ҳаракатланиш. Мавжуд билимлардан янги билимларга қараб ҳаракат қилиш, яъни бор бўлган ассоциациялар асосида янги ассоциацияларни вужудга келтиришни назарда тутди.
- ✘ Талабанинг тушуниши осон бўлган билимлардан узоқроқ ва мураккаброқ билимларга қараб ҳаракатланишни тавсия этадилар (область ближайшего развития). Соддадан мураккабга қараб изчил ривожланиш ўзаро боғлиқликларга амал қилиш талаб этилади.

# СУГГЕСТИВ ТЕХНОЛОГИЯ.

- ✘ Эмоционал, ёрқин таасурот, ишонтириш, қизиқтиришга йуналтирилган. Талаффуз, мимика, гипноз, авторитетдан фойдаланиш кабиларга асосланади. Ҳис-туйғуларни уйғотишга қаратилган. Ўзлаштириш жараёнида инсоннинг нафақат онги, балки ҳис-туйғулари ҳам иштирок этишини ва ўзлаштириш жараёнида ҳиссиётларни уйғотиш билимларнинг фақат онг билан эмас, балки қалб билан ҳам англаб етишига ёрдам беришини таъкидлайдилар.
- ✘ Улар ҳар бир янги мавзунини ўзлаштиришда образлардан фойдаланиш, ҳиссиётларни уйғотиш ва ҳар бир талаба ана шу ҳисларни сезишини таъминлашга эътибор берадилар.

# ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИГА КЎРА ҚУЙИДАГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АЖРАТИШ МУМКИН:

- + Ялпи, анъанавий технологияси (ўрта талабага мослашган),
- + Чуқурлаштирилган технология (баъзи предметларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитувчи лицей, гимназия, коллеж).
- + Компенсацияли ўқитиш технологиялари (педагогик коррекция, яъни камчиликларни йўқотишга қаратилган технологиялар).
- + Виктимологик технологиялар (сурдо, орто, тифло, олигофреника).
- + Тарбияси оғир болалар, ёки иқтидорли болалар билан ишлаш технологиялари.